

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 24-OKTABR, PAYSHANBA, 128 (8209)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидоийлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун куйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Мадазизов Бахтиёр Хамидуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази цикл бошлиғи

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Бахтиёр Тухтасинович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

Эргашев Кодир Юсупович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Иргашев Қобилжон Комилджонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика марказининг шахсни идентификация қилиш маркази бошлиғи

Курияндцева Ольга Валерьевна — Тошкент шаҳар Учтепа тумани ички ишлар бошқармаси тергов бўлими катта терговчиси

Оринбаев Аманбай Тлеубаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Қодиров Жўрамурад Амриллоевич (мархум) — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальон гуруҳ командири

Сабилов Бекзод Самихжанович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Валиев Тулкин Алмарданович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2013 йил 24-25 октябрь кунлари Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Мажлисида МДХ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилади.



ЁШЛАР — КОРХОНА ТАЯНЧИ

Навоий вилояти Конимех туманидаги «Қизилқум полипропилен» масъулияти чекланган жамиятида меҳнат қилаётган 35 ишчининг асосий қисмини касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади.

Йилига 8 миллион дона полипропилен қоп

ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада иш икки сменада ташкил этилган, жамоа учун қулай меҳнат шароити яратилган. Замонавий технология асосида фаолият юритаётган корхонанинг таянчи ёшлардир.

СУРАТДА: ишчи Муниса Файбуллаева.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат.



«ОБУНА — 2014»

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда кенг қўламда олиб борилаётган ислохотлардан, халқимизнинг бой маънавий мероси, аънолари ва кадриятларини тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан изчил хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми?

Аграр соҳадаги қимматли тажрибалар, фидойи инсонларнинг ажойиб меҳнат муваффақиятлари, фан-техника, спорт ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ҳақида билишни истайсизми?

Сизни хориз деҳқончилигидаги ўзгаришлар қизиқтирадими?

2014 йил учун «Qishloq hayoti» газетасига обуна бўлсангиз, юқорида таъкидланган мавзулар билан доимий равишда танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Обуна газета таҳририяти, обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР
ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ
ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Гайназаров Улугбек Абдирафикович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

Ёриев Ғайрат Равшанович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальон милиционер

Ибрагимов Рустам Кахрамонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими катта офицери

Ризаев Баҳром Бахтиярович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлими командири

Таштемиров Умид Махаматкаримович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Тиллаев Хайрулла Кудратович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ўта мураккаб ва узок давом этувчи ёнғинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

Турсунов Юнус Сайдуллаевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

Тухтаев Баҳрулла Бабамурадович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Хайтов Мансур Султонбаевич — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси ало-

ҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН Аҳмедов Рустамжон Давлатбекович — Сирдарё вилояти Боёвут тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Бекмирзаев Турсунбой Алмидинович — Андижон вилояти Асака тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлими командири

Борхўжаев Азизжон Махаматжонович — Тошкент вилояти Бўка тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Каримов Ойбек Толибжон ўғли — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси тергов бошқармаси катта терговчиси

Нуритдинов Хусниддин Джуманазарович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси тезкор вакили

Тошов Ибод Муродович — Бухоро вилояти Бухоро тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Усмонов Рўзибой Арабович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Шаймарданов Исматилла Эльмирзаевич — Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори

Шамсиев Отабек Бахронович — Навоий вилояти Ички

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2013 йил 23 октябрь

ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи

Шеров Улугбек Умарович — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди ёнғин ўчирувчиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ
БИЛАН

Абдуллаев Дониёр Абдурасулович — Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Давлат фельдъегерлик хизмати катта инспектори

Давранов Илхом Шавкатович — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди смена бошлиғи

Киличев Шерзод Саъдуллаевич — Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори

Махмудов Шероват Салимович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг ўринбосари

Нуримов Махмуд Ҳазирбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори

Пулатов Латиф Азимович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

Убаев Тохиржон Қаххорович — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлими хузуридаги қўриқлаш бўлими милиционер

И.КАРИМОВ

ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР
ВАЗИРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ТОШКЕНТДА 23 ОКТАБРЬ КУНИ
ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА
(ШҲТ) АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАШҚИ
ИҚТИСОДИЙ ВА ТАШҚИ САВДО
ФАОЛИЯТИ УЧУН МАСЪУЛ
ВАЗИРЛАРИНИНГ ЁН ИККИНЧИ
КЕНГАШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ташқи иқтисодий ва ташқи савдо мақамалари раҳбарлари, шунингдек, ШҲТ Бош котибининг ўринбосари А.Носиров ва ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши Ижрочи котиби С.Канавский иштирок этди.

Амалий ва дўстона руҳда ўтган кенгаш давомида ШҲТ доирасида минтақада иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга оид кўплаб масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, делегация раҳбарларининг ШҲТ доирасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, ШҲТ Котибиятининг ташкилотга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури ва 2012-2016 йилларда ШҲТ доирасида лойиҳавий фаолиятни янада ривожлантириш тадбирлари рўйхатига оид ахбороти, шунингдек, 2012-2013 йилларда ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси фаолияти тўғрисидаги маърузалар тингланди.

Тадбир иштирокчилари вазирларнинг 2012 йил 13 ноябрда Бишкекда ўтказилган ўн биринчи кенгашидан буён ўтган вақт мобайнида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ва ҳукуматлар раҳбарлари кенгашлари мажлисида савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида эришилган келишувларнинг ижросини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Томонлар кенг қўламли иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ШҲТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳамда 2012-2016 йилларда ШҲТ доирасида лойиҳавий фаолиятни янада ривожлантириш тадбирлари рўйхатини бажариш бўйича тадбирлар режасини изчил амалга оширишга келишиб олдилар ва ҳамкорликнинг муайян соҳаларига тааллуқли инвестиция лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Тошкентда 2013 йил 28-29 ноябрь кунлари бўлиб ўтadиган ШҲТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги кенгашига ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида автомобилда халқаро ташувлар учун қулай шароит яратиш тўғрисидаги битим, ШҲТ Котибиятининг ШҲТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурининг ижросига оид ҳисоботини кўриб чиқиш учун тақдим этишга келишиб олинди.

Кенгаш якунлари бўйича ШҲТга аъзо давлатлар делегация раҳбарлари томонидан Протокол имзоланди.

ЎЗА

▼ ФЕСТИВАЛЬ

НАФОСАТ, ФАОЛЛИК, ДОНОЛИК КЎРИГИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчи-қизлари ўртасида «Ораста қизлар» фестивалининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида голиб чиққан 194 нафар қиздан иборат 14 жамоа иштирок этди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу фестивалдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи-қизларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришдан иборат, — дейди Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси етакчи мутахассиси Нодира Каримова. — Шунингдек, мазкур тадбир «Ораста қизлар» тўгараклари ишини



Суратда: Тошкент шаҳар коллеж ва лицейларининг қизларидан иборат жамоа.

Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

янада жонлантириш ва такомиллаштириш, юртимизнинг ҳар гўшасида тенгқурлари орасида фаол тарғибот ишларини олиб бораётган қизларни ҳар

жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришдек эзгу мақсадларга ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Таъкидлаш жоизки, 2011 йилдан

буён мамлакатимиздаги барча мактаблар, коллеж ва академик лицейлар, олий таълим даргоҳларида фаолият юритаётган «Ораста қизлар» тўгаракларида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, қизларнинг касбларга оид тушунча ва қизиқишларини ўрганиш, уларни коллеж ҳамда лицейларга тўлиқ қамраб олиш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фестиваль иштирокчилари сиёсий, ҳуқуқий, тиббий саводхонлик, миллий одоб-ахлоқ меъёрларига оид билимлари, ранг-баранг саҳнавий кўринишлари, тезкор савол-жавоб тарзидаги шартларда баҳсладилар.

Фестиваль якунларига кўра, Тошкент шаҳар коллеж ва лицейларининг қизларидан иборат «Тошкентнинг ой қизлари» жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди. Сирдарё вилоятининг «Ораста қизлар» жамоаси иккинчи ўринга сазовор бўлди. Учинчи ўрин эса Навоий вилояти жамоасига насиб этди.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

Навоий Вилояти

Саноатта эш қишлоқ хўжалиги

Саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ҳамиша ўзаро эш, қондош-қариндош, ҳамкору ҳамдаст келади. Бири бирисиз иши битмайди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Заводнинг трактори деҳқоннинг ерини ҳайдаб, ҳосилигача йиғиштириб беради. Юк ва энгил машиналар туну кун унинг хизматида. Хонадонидаги рўзгор буюмлари — қозон-товоқ, кетмон-тешадан тортиб оддий мих, игнагача минг бир ашёни яратиш ҳам завод, фабрикалар зиммасида. Ишчининг нони, таоми, мева-чеваси, сут-қатиғи деҳқоннинг гарданида.

Ўзаро муносабатдошлик, дахлдорлик қорхона, бирлашмаларда, айниқса, яққол кўзга ташланади. Нафақат виллоятда, балки республикамиздаги энг йирик саноат қорхоналаридан ва мамлакатимиз фахри, гурури, куч-қудрати тим-солларидан бири бўлган Навоий кон-металлургия комбинатида юқорида айтилган уч соҳанинг чамбарчас яқинлиги, алоқадорлиги ҳавас қилгулик, ибрат олгулик. Эллик беш йиллик юбилей тўйини нишонлаш арафасида турган, бир қанча завод, кон бошқармаси, маданий-маиший муассасалари, спорт иншоотлари ва шу каби бошқа турли объектларга эга комбинатда бўлганимизда буни яна бир бор ҳис этдик.

Аввалроқ, у ерда кўрганларим, олган таассуротларимиз меваси сифатида “Сир-саноатли саноат”, “Маънавий маъданлар” номли мақолалар ёзилганди. Бу гал комбинатдаги саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият соҳалари ҳамкорлигини “Дўстлик” агрофирмаси мисолида баҳоли қудрат кўрсатишни ниёт қилдик. “Саноатга эш” иборасида икки нарсани назарда тутилади. Биринчидан, НКМК, энг аввало, саноат объекти, бу ерда замонавий техника, мураккаб технология салтанати ҳукм суради. “Дўстлик” агрофирмаси комбинат объекти, фарзанди бўлгани боис унинг саноати темир, металл ришталари билан мустаҳкам боғланган, машина, механизмлар хизматидан кўп фойдаланади. Ўзи эса яқиндаги металлургия заводидан тортиб узоқдаги Маржонбулоқ, Зармитан, Зафаробод, Зарафшон, Уч-қудуққача бўлган қорхона, муассасаларни гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлаб туради. Сиздан угина, биздан бугина дегандай. Иккинчидан, агрофирма Тошкент-Самарқанд-Бухоро автомо-

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛАНМАСИ БИЛАН



бил йўлининг ўнг томонида, Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига туташ жойда жойлашган, янги, истиқболли тузилманинг маҳобатли иншоотлари шундоқ кўриниб туради. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги тобора саноатлашиб, саноат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан кўпроқ баҳраманд бўлаётганининг яққол исботидир ушбу агрофирма. Бизга агрофирма директори Р.Хусенов қорхонанинг кечаги куни, ривожланиш босқичлари ва истиқболдаги режалари ҳақида гапириб бераркан, бу инсоннинг нафақат ўз ишини яхши биладиган тажрибали раҳбар, балки дилкаш суҳбатдош эканига ҳам гувоҳ бўлдик. Расул Хусеновнинг ижодни, ижодкорларни қадрлаши суҳбатимизни янада кўр олдирик.


Сирасини айтганда, “Дўстлик” агрофирмаси кенг тармоқли иқтисодий бақувват хўжалик. Бу ерда маҳсулдорлик йил сайин ошиб бормоқда.

— Маҳсулдорликни ошириш мақсадида Украинадан “Қизилчўл”, “Қизил ола”, “Гольштейн” зотли насли қорамоллар олиб келганмиз, — дейди агрофирма зоотехниги Зиёдулла Бозоров. — Бу эса ўзининг қутилган самарасини бермоқда. Чорва насли бўлса, ҳам вақт, ҳам харажат, ҳам меҳнатдан ютаркансиз.

Сигирнинг бири барака, мингги хазина, дейди халқимиз.

Айни пайтда агрофирмада кунига ҳар бош соғин сигирдан 17 литрдан 30 литргача сут соғиб олинар экан. Сутни қайта ишлаш цехи ҳам замонавий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, у ерда кунига 4 тонна сутдан 11 турдаги юқори сифатли маҳсулот тайёрланаётганини билиб олдик. Цехда 25 нафар киши меҳнат қилмоқда. У ерда тайёрланаётган маҳсулотлар пешмапеш комбинат ишчи-хизматчиларига етказиб берилмоқда. Бундан ортгани эса сотувга чиқариляпти. Цех бошлиғи Суннат Муродов бизни ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлардан татиб кўришга ундар экан, уларнинг тайёрланиш жараёни, мазаси ҳақида батафсил маълумот беради.

У творогнинг ачитқисини атайлаб Тошкентга бориб, Микробиология институтидан, Дарья Огай деган профессордан олиб келар экан. Ана ҳафсалаю ана масъулият.



— Ҳар йили аукцион орқали аҳоли ва хўжаликларга икки юзга яқин қорамол етказиб беряпмиз, — дейди агрофирма директори Р.Хусенов. — Фаолиятимизни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Мисол учун, 2011 йилда паррандачилик фабрикаси ташкил этдик. У ерда ҳам тухум, ҳам гўшт йўналишидаги паррандалар парвариш қилинади. Ҳу-у, ана кўриб турганингиз — узумзор. 1,5 гектар боғдаги паст бўйли дарахтлардан юқори ҳосил оляпмиз. Боғни яна 5 гектарга кенгайтирдик. Булардан олиннадиган фойда ишчилар меҳнат шароитини янада яхшилаш ҳамда уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда қўл келаётир. Ишчиларимизнинг спорт билан шуғулланишига ҳам шароит яратилган. Улар орасида виллоят, республика миқёсидаги мусобақаларда чемпион бўлганлар бор.

Агрофирма ишчиларининг таъкидлашича, чорвачиликда ҳам, паррандачиликда ҳам юқори маҳсулдорликка эришишда озуқа базаси мустаҳкамлигининг ўрни катта. У ерда паррандаларга дон, қорамолларга емиш тадоригини кўришга катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик. Беда, хашак бир хил шаклга солиниб, чиройли гарамланганини кўриб ҳавасингиз келади.

Бизни хурсанд қилган яна бир жиҳат шуки, агрофирмада ишлаётган ҳар бири кишининг кўнглида яратиш иштиёқи муржаб. Эртасининг бугунидан-да яхшироқ бўлишига ишонади улар. Шу боис, у ерда раҳбардан тортиб, оддий ишчигача бугун кечагидан, эртага бугунгидан-да яхшироқ ишлашга интилоқда. Тажрибавий биогаз қурилмасини ҳам комбинат конструкциялари ва агрофирма мутахассисларининг интилишлари, изланишлари самарасида юзага келган аломат, янгилик дейиш мумкин. Хандақдаги нури сувда қорилгач, газ ҳосил қиларкан, сўнг қувурлардан биореакторларга юборилиб, у ерда газга, ўғити ўғитга ажратиларкан. Калифорния чувалчанги ўғитни гумусли, яъни янада фойдалироқ қиларкан, газдан эса турли эҳтиёжларда фойдаланиларкан. Чикиндисиз ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалигининг саноатга эшлиги, қардошлигига яна бир мисол бу.

Сайди УМИРОВ

Бухоро Вилояти

Бухоро туманининг Янгиобод қишлоғида истиқомат қилувчи Камол Жумаев оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Мазкур хонадон вакиллари бугунги кунда буюртма асосида аёллар кийим-кечакларини тикиш ва уларга безак бериш ишлари билан шуғулланиб келишмоқда. Эътиборлиси, қўлигул чевар Олия Жумаева ҳамда унинг шогирдлари томонидан тайёрланаётган турли хил ўлчам ва кўринишдаги кийим-кечаклар ҳудуддаги турдош қорхоналар маҳсулотларидан сифатлилиги билан ажралиб туради. Шу боис, қорхона маҳсулотларига харидорлар томонидан талаб ортиб бормоқда.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

— Айни кунда туманимизда давлат рўйхатидан ўтиб, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган яна 5 та қорхона мавжуд, — дейди туман ДСИ бошлиғи Дилшод Ўткиров. — Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларнинг ўз фаолиятини ривожлантиришлари учун қўлай имкониятлар яратмоқда. Шунингдек, ушбу Қонун оила бюджети даромадларини кўпайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш, халқ хунармандчилигини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Дарҳақиқат, мазкур Қонунга мувофиқ оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловчиси ҳисобланади. Унга кўра, оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти ҳисобланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Унинг фаолияти иштирокчиларнинг меҳнатига асосланади.

Асосийси, оилавий қорхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни нақд ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича сотиши мумкин. Улар маҳсулотлари савдосини қорхонанинг ўзида ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, оилавий қорхонада иштирокчилар ва ёлланма ходимларнинг ишлаган вақти давлат ижтимоий сугуртаси бўйича бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юритиладиган меҳнат дафтарчаси асосида меҳнат стажига қўшилади.

Оилавий қорхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Оилавий қорхонанинг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади.

Мамлакатимиз солиқ тизимида тадбиркорлик субъектларига яратиб берилаётган бундай имтиёзлар туфайли ҳамюртларимиз орасида Камол Жумаев сингари оилавий тадбиркорлар сафининг кенгайиб бораётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Чунки тизимдаги бу каби саъй-ҳаракатлар юртимизда соғлом ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш, пировардида аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
Бухоро виллояти ДСБ Ахборот хизмати бош мутахассиси.

Қашқадарё Вилояти

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ОРТАДИ

Қашқадарё виллояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган семинарда виллоят иқтисодийёт бошқармаси, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектлари вакиллари, тижорат банклари масъул ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда таъкидланишича, ушбу Қарорга мувофиқ “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш” жамғармаси ташкил этилиб, барча ҳудудларда жамғарма филиаллари фаолият кўрсата бошлади.

— Жамғарма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экспорт қилиш учун мавжуд имкониятларни ва ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш, таҳлил қилиш, қисқача айтганда, тадбиркорларимизга экспорт масаласида ҳам амалий, ҳам назарий кўмак беришга хизмат қилади, — дейди жамғарма расиси Жаҳонгир Мустафоев.

Тадбирда тадбиркорлар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олишди.

Хусан ТЕМИРОВ

 Наманган Вилояти

Оқтов бағридаги наъматакзор

Чоркесар – Поп туманининг тоғли қишлоғи. Туман марказидан ўттиз чақирим келади. Оқтовга тутшиб кетган Қурама тизма тоғлари бағрида жойлашган бу сўлим қишлоқнинг одамлари меҳнатсевар, меҳмондўст.

Шу қишлоқлик тадбиркор, хусусий бизнес соҳиби Абдумухаммад Дўстматов ҳам тоғ этагида боғлар яратган. Яқинда унинг боғларида бўлдик. Боғда гилос, олма, ўрик, шафтолилар қаторида наъматаклар ҳам бор. Тоғнинг мусоффо ҳавосидан, қуёшнинг олтин нурларидан тўйиб пишган турли меваларнинг таъми жуда ширин. Боққа чиқиб келаверишдаги сўқмоқ йўл ёқасига экилган шафтолиларнинг меваси худди заводда ишлаб чиқарилгандай бир хил. Қизиғи, бир чақирим пастдаги қишлоқларда аллақачон шафтоли пишиб, тамом бўлгану бу ерда эса энди пишган. Айниқса, ўриқни аймайсизми?! Меваси тағига тўкилиб, ҳали яъни, кузда ҳам қуришга улгурмаганди. Боғдаги қип-қизил олмаларни кўриб, кўз олдингизга мусавир чизган асарлар келади. Мусавир Рўзи Чориев тоғ ёнбағридаги олмазор боғларни шунақа жонли, таъсирли чизган эди.

Абдумухаммад ака бизни мевали дарахзорлар орасидан сўқмоқ йўл бўйлаб наъматакзорга бошлади. Энди қаршимиздаги катта кенгликда фақат наъматакдан иборат боғ турарди. Наъматакнинг узун новдалари ёйдек эгилиб, меваларини кўтаролмай қолган, наъматак мевалари атай осиб қўйилган сариқ чироқчаларга ўхшарди.

– Наъматак шифобахш, унга шу боис, қизиқш ва талаб катта, – дейди Абдумухаммад ака.


– Айниқса, фармацевтика саноатида унинг харидорлари кўп.

– Демак, бу ҳам даромад, ҳам саломатлик манбаи эканда, – деймиз.

– Ҳа, – дейди у. – Юртимизда ушбу бутанинг 10 тури ўсади. Барчаси шифобахш. Унинг мевасида дармондорилар кўп. Эшитишимча, тиббиётдан ундан авитаминознинг олдини олишда ишлатилар экан. Ўтган йили дори-дармон ишлаб чиқариш фабрикаларининг хомашё йиғиштириб топширувчилари, бошқа тадбиркорлар келиб бор ҳосилимизни олиб кетишди. Йигирма миллион сўмга яқин даромад қилдик. Энди наъматакзорни кенгайтиришни ўйлаб турибмиз. Наъматак ортиқча меҳнат талаб қилмайди. Қолаверса, бу ерларнинг тупроғи унумдор. Фақат сув бўлса, бас.

– Дарвоқе, бу боғ-роғларга сув қаердан келади ўзи, – сўраймиз атрофда биронта каналу катта ариқ кўрмаганимиздан ажабланиб.

– Тоғнинг тепасида ўзимизга яраша “сув омбори” қуриб олганмиз, – дейди Абдумухаммад ака кулиб. – Ушбу сув ҳавзасида йил давомида йиғилган сувни ёзда ишлатамиз. Яъни сув қувурлар орқали боққа келади. Қолаверса, ёз ойларида ушбу катта ҳовуз атрофи сўлим масканга — қишлоқ болалари учун чўмилиш ҳавзасига айланади. Хулласи, сувдан тежаб фойдаланиб келяпмиз. Ўн гектарга яқин ердаги олма, анор, узум, нок кўчатларимиз ҳам



ҳосилга кириб қолди.

Абдумухаммад ака яна бир боғни тоғнинг адир қисмида барпо этган. У ерга — камида 4-5 километрлик масофага тоғнинг тепасидан булоқ суви олиб борилган. Бу ерда ҳам гилос, олма каби мевалар аллақачон ҳосилга кирган.

Абдумухаммад аканинг қилаётган ишларидан, сўзларидан бизнинг ҳам завқимиз келади.

– Шу мевани қайта ишлашни йўлга қўйсангиз бўлмайми? – деймиз у кишига.

– Бу ниятимиз ҳам йўқ эмас, – дейди у. – Яқинда Хитойга бориб, Шанхай шаҳридан мевани қайта ишлайдиган замонавий технология олиб келиш учун шартнома тузиб келдик. Ушбу технологияни ишга туширгандан кейин боғимиз меваларини ювиб, қуригиб турли бичимдаги идишларда қадоқлаш

имконияти яратилади.

Абдумухаммад аканинг боғидаги ажиб тароват, гўзаллик инсон кўли билан яратилган. Бахтини меҳнатда, яратишда кўрган инсон эзгу ишларни ўзининг ҳаёт йўли, деб билади. Қишлоғи, маҳалласи ободлиги, ҳамқишлоқлари оиласи фаровон бўлиши учун қўлидан келган ёрдамни аямайди. Қишлоқдошлари ҳам унинг оиласига ҳавас қилишади. Турмуш ўртоғи Малика опа билан тўрт фарзандни тарбиялади. Оиладаги муҳит уларни ҳам меҳнатсевар, тиришқоқ бўлишга ундаган. Тўнғич фарзанд Нодирбек олий ўқув юрти битириб, иқтисодчи бўлди. Қизлари Саидахон ва Соҳиббахонлар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде таҳсил олишмоқда. Кенжа фарзанди Назиржон лицейда ўқияпти. Абдумухаммад акага бу боғлардан қанча даро-

мад кўраётганлиги ҳақидаги саволлар унчалик ёқавермайди. Чунки унинг асосий даромади боғлардан эмас, турли хилдаги тадбиркорлик фаолиятини муваффақият билан амалга ошириб келаятигандан. Боғларни эса аввалги даромадлари ҳисобидан яратмоқда. Бу боғлардан энг катта даромади қишлоқ ободлиги. Қишлоқ аҳли учун табиий манзара яратиш. Шу билан бир қаторда, даромад бериб қолса, бу ҳам зарар қилмайди. Унинг бу ҳаракатларидан келиб чиқадиган хулосаси тахминан шундай.

Сирасини айтганда, бугун Абдумухаммад ака ўзининг ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги, ишбилармонлиги билан ҳамқишлоқлари, маҳалладошларига ибрат бўлмоқда.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

 Қашқадарё Вилояти


Хайрли ишнинг хайрихоҳи кўп

Эшбобоевлар хонадони Ғузур тумани Мартепа қишлоғидаги ибратли хонадонлардан бири. Оила бошлиғи Эшназар ота Ойбаланд ая билан бахтли турмуш кечириб, умргузаронлик қилиб келаётир.

Эшназар ота ва Ойбаланд ая мукддас Ҳаж зиёратига борганларида кўнглига бир яхши ният тукканди: “Юртимизга етиб боргач, шукронасига 50 нафар боланинг суннат тўйини ўтказиб берамиз”. Аллоҳ эзгу ниятларига етказиб, тадбиркор фарзандлари Бахтиёржон ҳомийлигида орзу-ҳавасларини амалга оширишга муваффақ бўлдилар.



Саховатпешалик — халқимизга хос фазилатлардан. Бу урф-одатларимиз истиқлол туфайли янада ривож топди. Мустақиллик, Наврўз, Ҳайит сингари байрамларимиз арафасида меҳнатидан қадр топган кўплаб фермер

ва тадбиркорларимиз хайр-саховат ишларига бош бўлмоқдалар. Шу йил Мустақиллик байрамнинг 22 йиллиги арафасида “Истиклол” тўйхонасида Эшназар ота ташаббуси билан бўлиб ўтган никоҳ ва хатна тўйлари фикримизга исбот бўла олади. Шу қуни туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, “Нуроний” жамғармаси туман кенгаши, “Қамолот” ЁИХ туман кенгаши ҳамкорлигида тўйхонада Собиржон Сайфуллаев ва Зиёда Жўраева, Санжар Комилов ва Ўралой Бозорова, Ислоҳ Абдуллаев ва Гулшоода Бўронова, Муҳаммадали Нуриллаев ва Севара Турсуноваларнинг никоҳ тўйлари ҳамда туманнинг турли маҳаллаларида яшовчи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 53 нафар фарзандларининг суннат тўйлари бўлиб ўтди. Тадбирга тўй бўлувчиларнинг яқинлари, ота-оналари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг вакиллари таклиф этилди. Кеча давомида ёш оилаларга ҳамда тўй болаларга турли жамоат ташкилотларининг совғалари, тўёнлари топширилди.

“Бир кўнгил иморати — минг Каъба зиёрати” дейди доно халқимиз. Ибрат бўларли ишларни амалга ошириб, кўплаб инсонлар кўнглини олаётган ҳамюртларимизнинг эзгу ишларида омад муваффақият тилаймиз.


Бобоназар ҲАСАНОВ
Ж.АБАЗОВ олган суратлар.

Ўтган асрнинг сўнги чорагидан бошлаб "одам савдоси", "траффик" каби атамалар тез-тез ишлатила бошлади. Кейинги йилларда одам савдоси жаҳон оммасини ташвишга солаётган халқаро терроризм, экстремизм, наркобизнес каби глобал муаммоларнинг бирига айланди.

Ушбу жиноят турли кўри-нишларда: инсонларни камситиш, уларнинг ҳуқуқларини тан олмаслик, улардан ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилган ҳолда турли мақсадларда фойдаланиш, қул сифатида мажбуран сотиб юбориш, фоҳишабозликка тортиш ва бошқа шаклларда кўлаб учрамоқда.

Буни қарангки, одам савдоси қурбонлари орасида аёллар кўпчиликни ташкил этар экан, яъни 60 фоизни. Одамларнинг ўз ҳуқуқини билиш, талаб қилиш борасидаги саводи етарли эмаслиги, ёлғон рекламаларни тарқатиш, алдовнинг авж олиши каби омиллар ушбу иллатнинг илдиз отишига ёрдам бермоқда. Худдики, Дилнозанинг қисмати каби...

2012 йил 27 ноябрь. Дилноза Гулбахор билан танишганда, тузоққа тушиб қоламан, деб ўйламаганди. Шунинг учун ҳам унинг чет элдан кийим-кечаклар олиб келиб, уларни сотиб даромад қилиш таклифига рози бўлди. Эртаси куниёқ улар Олмаотага жўнаб кетишди. Чегарадан ўтишганда уларни бир киши кутиб олди. Паспортларини олиб, автобус ҳайдовчисига берди. Манзилга етиб борганда эса Ира исмли аёл кутиб олиб, унинг паспортини ҳайдовчидан ўзига олди. Аммо у олиб борган жой кийим-кечак сотиладиган бозор ҳам, кийим-кечак фабрикаси ҳам эмас, балки кўп қаватли уйнинг хонадониди. Унда эса бир нечта қизлар... Шунда Дилноза бу ерга кийим савдоси учун эмас, балки ўз танасини савдога қўйиш учун йўланганлигини англаб етди. Норози бўлди. Жанжал



кўтарди. Тортишув Дилнозанинг дўппосланиши билан туғади. Начора, у сотилган, ўзи билан бирга тани ҳам, номусори ҳам сотилган эди. Шундан бошлаб у Ира ва унинг бошлиғи Гуля исмли аёл тазйиқи остида "ишлай" бошлади. Хизматдан бош тортганда эса тан жазосига чорланди. 2013 йилнинг январь ойида Гулбахорнинг Ўзбекистонга қайтаётганини билиб қолган Дилноза унга "мени ҳам олиб кетинг" дея ёлворди. Аммо бари бефойда эди. Яна кўрқитиш дўқ-пўписалар. Шу тариқа у 2013 йилнинг 11 апрелигача ўша ерда қолиб кетди. Фақат соғлиги ёмонлашиб қолгани боисгина, уйига қай-

тиши учун рухсат беришди. Шунда ҳам, ҳеч кимга шикоят қилмаслик шарт билан. "Акс ҳолда, уни ўлдириб кетишлари мумкин..." экан.

Не азобу уқубатлар билан уйига қайтган Дилноза даволанди. Сўнгра ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат этди. Ана шундагина

да иш тутса, бу каби ҳолатлар бўлмас эди-ку?!

Дилноза эса ҳали йигирма ёшга ҳам кирмаганди. Бир оилани обод қилишга, жамиятнинг фаоли бўлишга ҳақи бор эди. Нафақат ҳақи бор эди, балки мамлакатимизда бунинг учун барча шароитлар яратилган, ҳуқуқлар берилган,

нинг осон йўллари кўзлагани оқибатида шу кўйга тушиб қолгандир. Балки бу ҳолнинг сабаби ота-онасио маҳалласининг бепарволигидир. Ўйланг, Дилноза ва унга ўхшаб осонгина бойиб кетиш орзусида юриб, кейин чув тушиб қолаётганларнинг тогани нима бўлаптию йўқотганларичи? Топгани озроқ пулдир. (Агар топа олса). Аммо одам қадричи? Ор-номуси-чи? Буларни пулга чақиб бўладими?

Одам савдосига "Аср вабоси" дея таъриф беришган. Дарҳақиқат, вабо даҳшатли касаллик. Аммо бир пайтлар одамларни даҳшатга солган ушбу эпидемиянинг тиббиётда давоси топилган. Бугун унга қарши эмланади, инсон танида хасталикка қарши иммун тизими яратилади. Одам савдосига қарши ҳам инсон руҳияти, онгида иммунитет ҳосил қилиш лозим.

Яна бир гап: бугун юртимизда хорижга чиқиб ишлашни истовчиларга барча шароитлар яратилган. Қонун йўлидан бориб, хорижда ишлаётганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган. Демак, бу борада ҳеч бир монелик йўқ. Аммо нега тўғри йўл туриб, эгри йўл кўчасидан юрамиз? Ё яна ўша эски "Бу йўл осонда" деган гапми? Бироқ бу осон йўл бизни қай даражадаги уқубатли манзилларга элтапти? Бу йўлда нималарни бой бераймиз?..

Ориятли халқ вакили сифатида аёлларимиз билан боғлиқ бу каби ҳуқуқ воқеаларни эшитиш барчамизга алам қилади, албатта.

Юртимизда ёшларга яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган Дилнозанинг тенгдошлари бугун оиласи мустақамлигини таъминлаб, жамият равнақига ҳисса қўшмоқда, билим олиб, касб эгаллаб, тадбиркор бўлиб, элга нафи теяпти. Унинг тенгдошлари орасида юртимиз доврўгини дунёга таратаётганлар бор.

Лекин, афсуски... Дилнозанинг қисмати бошқача бўлди. Балки бунга унинг ўзи ҳам айбдордир. Даромад топиш-

Ха, бу каби муаммоларнинг илдизи кўп. Ечими эса битта – огоҳлик. Оилада, маҳаллада, жамиятда ҳушёр бўлиб яшаш, ҳақ-ҳуқуқларини билиб, фаолият юритиш бунинг бош мезонидир. Одам савдосига қарши барчамиз биргаликда курашсак яқинларимизни, ён-атрофимиздагиларни унинг домига тушиб қолишдан асраган бўламиз. Яъни ушбу иллатга қарши фақатгина тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эмас, ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб курашмас эканмиз, муаммо ечимини кутиб тураверадим.

Ўктам ХОЛИҚОВ

СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ ДАВЛАТ НАЗОРАТИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан товар ва молия бозорларида рақобатга доир муносабатларни тартибга солишни такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда таъкидланганидек, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополистик фаолиятнинг, товар ва молия бозорларида устунлик мавқеини суиистеъмол қилишнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик, истеъмолчилар манфаатларининг чекланишига барҳам беришга қаратилган ишлар натижасида мамлакатимиз бозорларида соғлом рақобат муҳити шаклланди. Хусусан, 2000 йилда мамлакатимизда 753 та монопол корхона фаолият юритган бўлса, ҳозир уларнинг сони 128 тани ташкил этмоқда. Монопол корхоналарнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши кейинги беш йилда 26 фоиздан 19 фоизга қискарди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги "Рақобат тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 20 августдаги "Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"га қарори мамлакатимизда бу жараёни такомиллаштириш ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётди.

Тадбирда рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларига зарар етказувчи битимлар тузиш, нархлар ва тарифларни сунъий ошириш ҳолатлари ҳамон учраб турганини, жумладан, жорий йилда мамлакатимиздаги мобиль алоқа компаниялари томонидан абонент тўловларининг нархи бир вақтнинг ўзида бир хил миқдорда кўтарилгани аниқланиб, уларга ўрнатилган тартибда жарима солинганини мисол тариқасида келтириб ўтишди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ



